

Oila va jamiyat

№ 32 (1435)
14-AUGUST
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqq boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

ESKI DARDNING YANGI DAVOSI TOPILADI(MI)?



Кўзлаган манзилига тез ва қулай фурсатда етиб бориш нур устига аъло нур. Бироқ куннинг тигиз пайти бўлмаган вақтлари айрим автобус йўналишлари “тошбақа юриш” қилиб юрагингни эзиб юборади. Шошиб турганингиз етмагандек, жазирама иссиқда “Туялар карвони”га ўхшаб ҳаракатланадиган йўналишга чиқиб қолсангиз борми, миянгиз қайнаб эс-хушингиздан айрилишингиз ҳеч гапмас.

Yurt eshigi



“У пайтлари кимнинг уйида мол-ҳоли ёки биттагина оти бўлса ҳам “қулоқ” қилишга баҳона топиларди, болам. Отамнинг ҳам оқ ёлли тулпори бўлар эди. Уша отига миниб далага кетаётса, большевоилардан бири қўшимизнинг ҳомиладор аёлини: “Нега далага чиқмадинг. Менинг гапим бир пул бўлиб қолдими? Ёки шўроларга қаршимисан!..” – дея савалаётган экан. »6

Sharq taronalari — 2019



Яна бир неча кундан сўнг Самарқандда “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали бошланади. »12

Turmushga tayyormi?



Не-не орзу умидлар билан тўй қилиб келин туширамыз. Тўйдан кейин эса... Айрим қизларимизни оддийгина уй-рўзгор ишларида уқуви йўқлиги кўриниб қолади. Ёғ қиздириш у ёқда турсин, тухумни ҳам зўрга қовурадиган келин-қизларимиз бор. »8

Psixolog kim?



Гипнотерапия асосий дори воситага қўшимча усул бўлиб, беморга унинг даволовчи психиатри томонидан тавсия қилиниши мумкин. Бу усул психотерапевтдан катта маҳоратни, тажрибани талаб қилади. »11

Qaynona ONA emasmi?




10 KO'KYO'TAL, KO'KARTIRIB YUBORADIMI?!

Касалликнинг биринчи ёмон тарафи, қаттиқ хуружли йўтал бўлса, бир йўталганда бола нафас олмасдан 30-40 сониягача йўталади.

Кейинги пайтларда қайноналарини муҳокама қиладиган, тап тортмай ёмонлайдиган эркакларнинг пайдо бўлиб қолаётгани балки катта саҳналарда айтилаётган ана шундай латифалар натижасидир.

5



“ITWOMEN.UZ – xotin-qizlar innovatsion oyligi” o‘tkaziladi

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида “Itwomenuz – хотин-қизлар инновация ойлиги” ўтказилади.

Инновация ойлик Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Мирзо Улуғбек Инновация маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳамкорлигида ташкил этилади.

Хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати маълумотиغا кўра, мазкур ойликни ўтказишдан кўзланган мақсад хотин-қизларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига жалб қилиш, мобиль илова, веб-сайт, дастурий маҳсулотларни яратиш, компьютер дизайнлик фаолиятига ўқитиш ҳамда уларнинг дастурчи сифатида шаклланиб иш

юритишларига кўмаклашиш орқали бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Инновация ойлик доирасида ташкил этиладиган тадбирларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимларини ошириш ва ушбу соҳада ишга жойлашишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш учун “Itwomen.wcs.uz” сайти ишлаб чиқилиб, онлайн тарзда рўйхатга олинishi йўлга қўйилган.

Хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида 19-24 август кунлари 160 нафар хотин-қиз учун 36 соатлик ўқув-амалий машғулотлар уюштирилади. Ушбу инновация лойиҳа доирасида хотин-қизларнинг малакаси мобиль иловалар тайёрлаш, веб-сайт яратиш, компьютер дизайнлик, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш каби йўналишларда оширилади.

Мирзо Улуғбек Инновация маркази томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда 26 август – 19 сентябрь кунлари, яъни уч ҳафта давомида иштирокчиларнинг амали-

ёти ташкил қилиниб, тингловчилар амалиётдан ўтади.

Тингловчиларнинг ўқув-амалий машғулотларда эришган натижаларини аниқлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида танлов ўтказилади. Хар бир гуруҳга ўз йўналиши бўйича топшириқлар берилиб, тайёрланган лойиҳалар экспертлар кенгаши аъзолари томонидан баҳоланади ҳамда “Энг яхши мобиль илова”, “Энг яхши веб-сайт”, “Энг яхши дастурчи”, “Энг яхши дизайнер” номинациялари бўйича голиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Дастурчи хотин-қизларнинг халқаро танлов, форум, саммит ва кўргазмаларда иштирок этиши бўйича семинар-тренинглар ўтказилади.

Малака ошириш курслари ва амалиётдан муваффақиятли ўтган хотин-қизларга диплом берилиб, уларни иш билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган хотин-қизларга кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА**

MUAMMOLARGA JOYIDA YECHIM TOPILDI

Элмира Боситхонова Қорақалпоғистонда пикетга чиққан аёллар билан учрашди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова «Facebook» ижтимоий тармоғида 1 август кунини Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида юз берган воқеа ҳақида эълон қилинган хабардаги маълумотлар ҳақиқатга нечоғли мос келиши ва бу аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, муаммоларига ҳудуддаги раҳбарлар билан бирга-лиқда ечим излаш мақсадида 7 август кунини Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб қайтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар хизмати хабарига кўра, воқеани ўрганиш жараёнида шикоятчи Тилеубийке Ульдашева ижтимоий-маиший муаммолари анчадан буён ҳал этилмаётганини айтиб, ёрдам сўради. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси иштирокида ҳудуд раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатда унинг уй-жой масаласидаги шикоятчи юзасидан Нукус шаҳар ҳокими П. Турешевга ариза чизига жойлаштирилган уйда яшаши учун ордер бериш вазифаси топширилди. Т. Ульдашевани иш билан таъминлаш ва фарзандини мусиқа мактабига жойлаш масалалари бўйича эса Қорақалпоғистон Республикаси солиқни сақлаш вазири Д. Ходжиевага уни тиббиёт бирлашмасига фаррош сифатида ишга қабул қилиш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Нукус шаҳар кенгаши раиси в.в.б П. Қазакбаева унинг фарзандини мусиқа мактабига жойлаштириш топшириғи берилди. Ариза чизининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи экани ва шу мақсадда ўзини буш бино билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатишлари тўғрисидаги илтимосига ечим топиш вазифаси Нукус шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Г. Абибуллаевага топширилди.

Фуқаролар Перизат Бегжанова ҳамда Гулпаршин Қошанова ўз муаммолари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ҳудудга келгунга қадар масъуллар томонидан ҳал этилганини билдириб, тегишли мутасаддиларга миннатдорлик изҳор қилдилар, дейилади хабарда.

Қайд этилишича, шу кунини Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова яна йигирма нафар аёлларнинг дардлари, арзлари ва шикоятларини эшитиб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, кўмак бериш бўйича ҳамкорликда амалий ишларни олиб борган.

MAXSUS O‘QUV KURSI — MAHORAT MAKTABI

Оила азалдан муқаддас кўрган, кичик Ватан сифатида қадрланган. Бинобарин, комил шахс аввало, жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган оилада камолга етади. Шундай экан, бугунги кунда оилалар билан бевосита ишлайдиган ходимлар юксак малакавий билимга эга, сиёсий-маънавий дунёқараши бой бўлиши шарт. Бу масалада “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳузурда ташкил этилган махсус ўқув курслари ҳақиқий маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

2018-2019 ўқув йилида маҳалаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг 549 нафари малака ошириб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Машғулотлар ва тренингларни ўтказиш учун тажрибали олим ва педагог ходимлар, амалиётчи психологлар ва соҳага оид малакали мутахассисларнинг танлаб олинганлиги ўз самарасини бермоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, тингловчи мутахассисларнинг орасида катта ҳаётий тажрибага эга иқтидорли, ижодкорларнинг борлигида.


Малака ошириш учун келган мутахассисларнинг 247 нафари вилоят репродуктив саломатлик марказида бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Зеро, соғлом киши соғлом фикрлай-

ди. Мутахассисларимиз аёл киши ўз саломатлигига қай даражада эътибор қаратиши лозимлигини амалиёт давомида янада чуқурроқ билиб олишди. Шунингдек, эътироф этиш жоизки, таклиф ва фикрлар дафтарида тингловчи мутахассислар хотин-қизларимизни тиббий кўриқдан ўтказиш борасидаги тавсияларни фаолиятларига тадбиқ этишни илгари суришди.

Жорий йилнинг май ойидан вилоят ҳокими ташаббуси билан қайта капитал таъмирланган бинода ўқувлар давом эттирилмоқда. Барча ўқув хоналари замонавий инновация таълим технологиялари билан жиҳозланган.

**Ситора АҚРАМОВА,
“Оила” ИАТ маркази Бухоро вилояти
бошқармаси
махсус ўқув курслари бўлими раҳбари.**

SEN HAMISHA BAKTLI BO'LGIN, BOLAJONIM



*Кўзларингда доим болам қувонч балқсин,
Кўлларингдан тугтиб отанг кўп яшасин.*

*Онани сенла фахрланиб юрсин доим,
Сен ҳамиша бахтли бўлгин, болажоним.*



Назира БОЙМУРОДОВА,
фото лавҳалари.

IJTIMOIIY DORIXONALAR

aholiga qanchalik naf keltirmoqda?




Инсоннинг боши ёстиққа текачгина, соғлигининг қадри билинади. Айниқса, буни дард чеккан киши яхши англаб, соғайиши учун шифокор тавсия қилган дори-дармондан фойдаланади. Бунинг учун албатта, дори-дармонга мурожаат қилади. Харид қилаётган дори-дармони арзон бўлса, нур устига аъло нур.

Ҳозир мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, бири-биридан шинам ва кўркам биноларда фаолият кўрсатаётган дори-дармонларга кўзингиз тушади. Соҳа ходимлари аҳолини сифатли ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш учун ижобий иш-

ларни амалга ошираётганликлари кўнгилларни равшан қилмоқда. Бу борада ижтимоий дори-дармонларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик орқасидан рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлаётган халқимиз деярли ҳар куни бир янгиликнинг гувоҳи бўлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриляётган шу кунларда жойларда ижтимоий объектлар қурилиб фойдаланишга



топирилмоқда. Буни Қашқадарё вилояти мисолида яққол кўриш мумкин.

“Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги қарори тизимда фаолиятни тубдан яхшилаш билан бирга дори воситалари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Худойназаров. — Айни пайтда вилоятда 180 та ижтимоий дори-дармонлар фаолият кўрсатиб, бу борада Китоб, Шахрисабз, Миришкор, Қамаш, Қарши туманларда олиб бориляётган ишлар мақтовга сазовар.

Нишон туман тиббиёт бирлашмаси қошида тадбиркор Асқар Қурбонов томонидан икки қаватли ҳозирги замон талабларига мос равишда ижтимоий дори-дармоннинг қурилиб фойдаланишга топширилганлиги аҳолини хурсанд қилди. Туман тиббиёт бирлашмасидан олинган маълумотга кўра янгидан фаолият бошлаган ушбу дори-дармон ҳозиргача фаолият кўрсатаётган ижтимоий дори-дармонларнинг ўн биринчиси ҳисобланади.

— Худудимизда ҳар томонлама қўлай ва шинамгина қилиб қад ростлаган ушбу ижтимоий дори-дармон нафақат маҳалла аҳли, қолаверса шифохонада даволанаётган беморлар учун ҳам қўлайлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди Улғубек маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамида опа Собирова. — Маҳалламизда истиқомат қилаётган 2335 нафар аҳолининг 1100га яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Ижтимоий дори-дармонларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу дори-дармоннинг ишга туширилганлиги маҳалламизда яна 5 та ишчи ўрни яратилганлигига имкон берди.

Шуниси алоҳида эътиборга молики, ижтимоий дори-дармонларда 112 турдаги дори-дармонлар ҳамда 40 турдаги тиббий буюмлар аҳолига 10 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотилиши ташкил этилган. Янгидан иш бошлаган ижтимоий дори-дармонда ўз фаолиятини бошлаган Исломбек Қурбонов, Сетора Норсоатова сингари ёшлар аҳолига намунали хизмат кўрсатишаётир. Аҳолининг дори-дармонга эҳтиёжи катта бўлган туман ҳудудлари ўрганилиб, ижтимоий дори-дармонлар қурилишини кўлайитириш режалаштириляётир. Асосий мақсад ва вазифа ҳам халқимизга сифатли, кафолатланган арзон дори-дармон маҳсулотларини етказиб беришдан иборат. Бу борадаги хайрли ишлар давом этаётир.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

YOSHLARNING BO'SH VAQTI

Психологнинг боласи психотроп модда билан шуғулланса, адвокатнинг ўғли қотиллик қилса, тadbirkорнинг фарзанди ўғри бўлса: ота-онанинг элга нафи қай даражада?

Бугун биз кимдандир ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида эшитсак, қаердадир уларнинг тортишувларига гувоҳ бўлган ҳолда мазкур ҳолатнинг фаол муҳокамачисига айланиб қолаёмиз. Хўш, бундай ҳуқуқбузарликларни кимлар содир этяпти? Нима сабабдан айрим жиноят турлари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида кенг қулоч ёзмақда?

Аксар ҳолларда жамиятга нисбатан норозилик кайфиятида юрадиган, ота-она назоратисиз қолган, носоғлом муҳитда ўсаётган ёки боқувчисини йўқотган вояга етмаганлар ўртасида баданга оғир ёки энгил тан жароҳати етказиш, безорилик, талончилик, ўғрилиқ, босқинчилик каби жиноятлар содир этиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда.

Бунга айримлар жамоатчилик назоратининг сустлиги, таълимнинг сифатсизлиги ва адашиб қолган кадрларнинг эътиборсизлиги ҳамда масъулиятсизлигини сабаб қилиб кўрсатса, баъзилар болага таълим-тарбия бераётган, уларнинг таъминоти билан шуғулланаётган ота-онанинг жавобгарлик масаласини ўртага ташлайди. Айримлар эса ёшларнинг онгига бевосита таъсир қилувчи кинолар, клиппар ҳам ёшлар ўртасида ўравонлик ва яққа ҳукмронлик, худбинлик, манманлик ва жанжалчиликни тарғиб қилаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

“ТОҚҚА ЧИҚМАСАНГ, ДЎЛАНА ҚАЙДА?”

Келажакни кафолатлашни истаган ота-оналар бехуда нарсаларга сарфлайдиган ҳаракатлари ва кимматли вақтларини фарзанд тарбиясига, аж-

illatlarning ish vaqti bo'lib qolmayaptimi?



ратганлари фойдалироқдир.

Боласини эшитмайдиган, уларнинг қалби ва руҳини унутган, фарзандларига вақтини ажратишга қодир бўлмаган ота-оналар эртага ўзларининг кун кимларга қолишини ўйлаб кўришлари керак! Чунки ота-боболаримизнинг бир ажойиб ибратли сўзлари бежиз айтилмаган: “Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда?”.

Бир ўйлаб кўринг, психологнинг фарзанди психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланса, адвокатнинг ўғли қотилликка қўл урса, тadbirkорнинг боласи ўғрилиқ қилса, бу ота-оналарнинг эл юртга нафи қай даражада? Сиз ҳам ҳеч ўйлаб кўрганмисиз... Сизнинг фарзандингиз жиноят қилиши мумкинми? Сиз-у биз вақт ажратишимиз керак бўлган маҳал, фарзандимизни бироз назоратсиз қолдирганимизда, у нималар билан машғул бўлгани билан қизиқдикми? Ёшларнинг бўш вақти – иллатларнинг иш вақти бўлиб қолмаётими?!

Ёшлар ўртасида содир бўлаётган барча кўнгилсизликлар аслида ўзаро меҳр-оқибат, дўстона муносабат

туғиларининг мўрт ва нимжонлигидан эмасми?

Кўча-кўйда ёхуд жамоат транспортларида ёшларнинг суҳбатига, ўзини тутишига эътибор қаратганмисиз? Ўзларини бир-бирдан устун қўйиш, ўзаро ишонсизлик ва мақтанчоқлик, бир-бирини масхаралаш, ҳуда-беҳудага сўкиниларни тилдан қўймаслик каби салбий ҳолатларни сиз ҳам ҳис қиласиз. Бунга саводсизлик омили, бадий савия пастиги, миллий тарбия ва қадриятлар асослари ривожланишининг тўхтаб қолганиги сабаб бўлмаётганмикан?!

Шу ўринда, айни дамда болаларни мактабгача таълим тизимидан бошлаб туғри тарбия қилиш ва бунинг учун дастлаб қамровни кенгайтириш оқилона қарор эканини айтиш ўринлидир.

Ёшларнинг бир-бирига мослашуви ва ўзаро ҳурмат руҳида шаклланишини айнан шу даврдан бошлаш ва ривожлантириб бориш замоннинг муҳим вазифаси бўлиб қолган. Зеро, Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: “Тарбияни туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, фикримизни нуллантирмоқ, ахлоқимизни гўзаллаштирмоқ, зеҳнимизни равшанлантирмоқ лозим”.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ҲИСОБОТ УЧУНГИНАМИ?

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аввалги йилларга нисбатан камайган бўлишига қарамай, айнан вояга етмаганлар жиноятчилиги Тошкент вилоятида ўтган йилги кўрсаткичларни таққорлаётганлигини ижобий баҳолаб бўлмайди. Утган ойлардаги таҳлилларга кўра мазкур кўрсаткичлар Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам кузатилган. Нега айнан бу ҳудудларда кўрсаткичлар яхшиланмаяпти?

Тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ўтказилаётган минглаб давра суҳбатлари, рейд тadbирлари, “Ёш депутат”, “Депутат ва ёшлар”, “Сенатор ва ёшлар”, “Ҳоким ва ёшлар”, “Сектор раҳбарлари ва ёшлар”, “Прокурор ва ёшлар”, “Суд ва ёшлар” лойиҳалари нега айрим жойларда қўйилган самарани бермаяпти? Ҳудудларда аҳоли сонини нисбатан кўп бўлгани, ҳудудда аҳоли пунклари тарқоқ жойлашгани учун ёшларни тўлиқ қамраб олиш қийинчилик туғдирганиданми ёки тарғибот тadbирлари чекка ҳудудларда номига, ҳисобот учунгина ўтказилганмикан?

Жойларда олиб борилган таҳлилларга кўра, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тарғибот ойлиги доирасидаги тadbирлар асосан, марказ жойларда ташкил этилаётганлиги ҳамда чекка ва чегарадош ҳудудларда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги, ҳамма ўзича ишлаётганлиги керакли натижаларга эришишда тўсиқ бўлмоқда.

Жиноятчиликни жiolовлашда ҳудуднинг ўз хусусиятидан, менталитетидан келиб чиқиб лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бу борадаги масъулларга аниқ, мақсадли вазифалар белгилаш ҳамда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрули гуруҳлари ва жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги самарали ишларни амалга оширишнинг вақти келмадимикан?!

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

YOSHLIKNING AYANCHLI BEBOSHLIKLARI

Ҳадемай ёзги таътил ҳам тугаб, болалар мактаб, коллеж кучоғига қайтишади. Албатта, ҳамма болаларни ҳам синф хонасини соғинган, унга талпиняпти, деб бўлмайди. Улар орасида дарслардан тезроқ қутулишга, вақтини бошқа давраларда ўтказишга ошқадиганлари ҳам бор.

Узоқ йшлардан буён касбухонар коллежиди ҳамшира бўлиб ишлаётган танишимни учратиш қолдим. Суҳбат давомида танишим ўқувчилар ҳаётида содир бўлган куйидаги воқеаларни сўзлаб берди.

ЭРТА ХАЗОН БЎЛГАН УМР

Бу воқеага 16 йилдан ошди. Ўшанда ҳомиладорлик таътилидан чиқиб, энди иш бошлаган пайтларим эди. Коллежимизда Сарвар исмли бола бўларди. Жуда шўх, ерга урсанг, кўкка сакрарди. Шу сабаб доим Сарварнинг ота-онаси коллежга чақириларди. Сарвар

ўқийдиган гуруҳнинг давомати доим паст бўлгани учун мажлисларда гуруҳ раҳбари гап эшитарди. Чунки Сарвар бошқа ўртоқларини ҳам йўлдан уриб, дарсдан қочишга ундарди. Дарвозадан чиқай деса, қоровул дарс тугамай туриб ташқарига чиқармайди. Шунинг учун дарсдан қочадиган уддабуронлар бетон девордан ошиб тушиб қочишнинг ҳадисини олишганди. Ўша кун Сарвар ўртоқларисиз бир ўзи қочишга ҳаракат қилган. Бетон деворга осилиб, сумкасини ерга отган, ортидан ўзи ҳам сакраган. Аммо бетон деворнинг қалин симига шими илиниб қолиб, нотўғри сакраган. Натижада унинг буйраги жойидан силжиши, яъни узилиши оқибатида ўша ернинг ўзидаёқ жон берган.

Бу фалокатда ҳеч кимнинг айби йўқ. Бирок... Ёш умр эрта хазон бўлди.

Онасининг айтишича, ўғли дарсдан қочиб, уйга бормас, аксинча, компьютер

хонада ўтирар экан. Уйдагилар нега кеч қолдинг, деса, кўшимча дарсда эканини баҳона қилган. Ўғлининг нима ўзи қилиб юргани билан на онаси, на отаси қизиққан. Бунда ким айбдор, азиз ўқувчи?!

ИККИНЧИ ҚАВАТДАН САКРАГАН ҚИЗ

Коллежимизда доим ўқувчиларнинг давоматида қаттиқ эътибор берилади. Қўл телефонидан дарс пайтида фойдаланиш, қизларнинг сочини ёйиб, калта юбка кийиб келиши мумкин эмас. Шу боис қизлар коллеж дарвозасидан ичкарига киришдан олдин ёйилган сочини йиғиштириб, юз-кўзларидидаги бўёқларини артиб, ўқувчи киёфасига кириб келишади. Ўша йили коллежимизда спорт мусобақаси кетаётганди. Иккинчи босқич ўқувчилари ичиди Гулруҳ деган қиз бор эди. Нозик, озгингина бўлгани

“Бетон деворга осилиб, сумкасини ерга отгану, ортидан ўзи ҳам сакраган. Аммо бетон деворнинг қалин симига шими илиниб қолиб, нотўғри сакраган. Натижада унинг буйраги жойидан силжиши, яъни узилиши оқибатида ўша ернинг ўзидаёқ жон берган.”

Muxlis minbari

учун ҳали боши, ҳали қорни оғриб, тез-тез дарслардан руҳсат олиб кетарди. Баъзи-баъзидан синф хонасига кириб, ўша қиздан ҳол-аҳвол сўраб турардим. Мусобақа ўтказилаётгани учун ҳамма ўзи билан ўзи овора, қизлар спорт формасини кийиб, спорт залига шошса, йиғитлар футболга ошқарди. Бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлган Гулруҳ ҳали дарс тугамай, уйига кетишга аҳд қилган. Аммо йўлак бошида ўтирадиган навбатчи чиқармаслигини билгач, синф хонасининг деразасини очиб, дераза раҳига чиқиб, аввал сумкасини пастга улоқтирган. Сўнг сумканинг ортидан ўзини ерга отган. Бирданига коллеж ҳовлисида, йиғи-сиги, қий-чув бошланди. Гулруҳ ерга сакраганида иккала оёғининг тиззаси билан йиқилиб, тиззаларнинг касоси қаттиқ лат еган экан. Зудлик билан уни шифохонага олиб борди. Аммо жароҳати оғирлиги сабабли Гулруҳ ногирон бўлиб қолди.

Бола-да, қизнинг кўзига иккинчи қават билан ер оралиғи яқин тулган. Шу воқеадан кейин қиз бола ҳам спортга қизиқиши керак, деган ҳулосага келганди. Кейинроқ билсак, Гулруҳ дарсдан қочиб, бозорда онасига савдо-сотикда ёрдам бераркан. Агар ўшанда бундай таваккал қилмаганида ва ўқишдан пул топишни устун қўймаганида бугун умрини пушаймонлик билан ўтказмасди.

Нигора Алишер қизи ёзиб олди.

oilavajamiyat@mail.ru

Qaynona ONA emasmi?

Яқинда телевидениеда “Қаҳқаҳа” гуруҳи чиқишини кўриб қолдим. Улар сайёҳлик агентлиги фаолиятидан куллиги сахна кўринишини намойиш этишди. Бири – агентлик ходими, бири – саёҳатга орзуманд одам. Ходим мижозга турли мамлакатларни тавсия қилиб, улардаги диққатга сазовор жиҳатларни санайди бирмабир...

– Мана, Таиландга саёҳат қилинг, денгиз, тоза ҳаво, палмалар... нақ экзотика. Тимсоҳлар ҳам бор. Тимсоҳни кўрганмисиз ўзи?

– Ҳа кўрганман.
– Қаерда?
– Қайнонам ҳар замонда келиб туради...

Залда ўтирган эркагу аёл гурра кулади. Дахшати ва ажабтовур ўхшатишдан қайноналарини кўз олдига келтирган эркаклар тиззаларига урганча қотади? Мен кулолмадим, кулгим келмади, қайтанга энсам қотди. Нега дейсизми?

Кейинги пайтларда қизиқчиларимиз (аксариятининг масхарабоздан фарқи қолмади) ўз репертуарларига, албатта қайноналар ҳақидаги латифаларни қўшишни одат қилиб олишди. “Менинг қайнонам...”, “уйимизга қайнонам келганди...”, “душман тараф...” Бир-биридан бачкана латифалари билан кулдира-кулдира охирида ўзларини оқлаб ҳам олишади: бу шунчаки ҳазил... Энг ғалатиси, ўша залда турмуш ўртоғи фарзандлари билан бир қаторда қайноналари ҳам ўтирган бўлади. Тунов кунни биттаси алмисокдан қолган латифани айтиб чиқибди телевидениеда. Буни сиз ҳам эшитгансиз кўп бора: “Хотин белимга тупуриб кўй. Нега дадаси? Дўхтир илоннинг захрини суртинг деди”. Қизиқчимиз шу латифани ҳам ўзгартириб, ўзича зўр топилма килти. Хотинга эмас қайнонага туллатибди. Белигамас, юзига тупурмабди-да деган фикр ўтди ҳаёлимдан.

Булар бир ҳазил-да, нима бўпти, уларнинг касби шу, чипта сотиб олиб концертга кирган одамларни қандай қилиб бўлса ҳам кулдириш. Бир томондан бу фикр тўғри. Лекин ўзбекиона урф-одатларимизга бир кур назар ташласак, сахнада ҳар қандай гапни ҳам вальдиравермаслик кераклигига амин бўламиз. Қайноналар мавзуси шулардан бири.

ҚИЗИҚЧИЛАРГА МАВЗУ ЙЎҚМИ?

Одатда ўзбек жамиятида қайнона-келин муносабатлари мавжуд. Гоҳ салбий бўлсин, гоҳ ижобий бу муносабатлар табиийлиги билан аҳамиятлидир. Маҳаллаларда, ток-шоуларда муҳокама қилинадими, қизиқчиларимиз томонидан кулгу остига олинадими, барча бирдек табиий қабул қилади (лекин қайнона-келин мавзусида ҳам меъёр бўлиши керак, кўп ҳолларда қайноналар кулгу орқали чидаб бўлмас ҳақорат oilavajamiat@mail.ru



yoхud qosh qo‘yaman deb
ko‘z chiqarib qo‘ymang

Кейинги пайтларда қайноналарини муҳокама қиладиган, тап тортмай ёмонлайдиган эркакларнинг пайдо бўлиб қолаётгани балки катта сахналарда айтилаётган ана шундай латифалар натижасидир. Эҳтимол, ёмонлашга арзирли сабаблар бордир-да, дейшингиз мумкин. Тўғри, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қайнонасининг ғийбатини қилиб юриш эркакчиликка тўғри келмайди-да.

Буни кўни-кўшнилариимиз ҳаёт тарзи, кинофильмлар орқали кўрганмиз, билганмиз. Жон бор жойда жанжал бўлади, боз устига куёв тушмагур ғирт дангаса ва ичкиликка ружу кўйган бўлса. Онанинг табиийки қизига раҳми келади. Куёвга қилган насиҳатлари кор қилмагач жанжалу тортишувлар авж олади. Бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўки йўқ – қайнона куёвдан ёзғиради, куёв вайсақи кампирдан безор. Шундай “жабрдийда” тўртта куёв жам бўлиб қолсами, қиттай-қиттай олгандан сўнг қайноналарини “сыйлашга” тушишади, кимўзрга латифалар тўқилади, улар тор доирадан катта сахналарга йўл олади. Ана кулги-мана кулги. Ҳеч ким хафа ҳам, ҳайрон ҳам бўлмайди. Чунки ҳар қандай

миллатнинг адабиёти, мақол ва маталлари, латифаларига ҳам ўз яшаш тарзидан, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлади, шаклланади.

КУЁВЛАРНИ ПАЙГАМБАРЛАР СИЙЛАГАН

Биз ўзбекларга эса бу ҳолат бегона. Азалдан ўзбеклар куёвларни ўзгача ҳурмат қилиш фазилати билан ажралаб турган. Куёвларни пайгамбарлар сийлаган, мақоли ҳам айнан бизда бўлса керак. Чунки ўзбек оналари қизининг тушган жойида тош қотишини истаиди. Бу йўлда ҳар қандай чораларни кўради. Қизи уйига келса, тансиқ таомлар билан сийлайди, қайтишида, куёвининг ҳам оғзи тегсин, дея ўша овқатдан туғиб беради кўлига. Қизи аразлаб келса, дарров куёвнинг гўрига ғишт қаламайди. Эр-хотиннинг уриши – доқа рўмол қуриши, қабилида иш тутуди. Қизининг устидан арз қилиб захрини сочган куёвга, болам дейди, қизим ҳали сал ёшроқ-да дейди. Ўзим насиҳат қилиб кўяман дейди, сиз овқатдан олинг, болам... Қайнонадан бу ҳурмати кўрган ҳар қандай инсофли куёв гиналарни унутди-да, албатта. Эр-хотин кўп жанжаллашса-да, қайнонасининг оқиллиги билан оиласи сақланиб қолгани, кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетгани учун қайнонасининг миннатдор куёвларни кўп кўрганман.

ЭРКАКЧИЛИККА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

Тўғри, куёвини хушламайдиган қайноналар, қайнонасини кўрса пешонаси тиришадиган

куёвлар йўқ эмас. Аммо бу айрим мисоллар ўзбек жамиятидаги ҳақиқий қайнона-куёв муносабатини англамайди. Бироқ бундай бачканаликларга чек қўймасак, уйланмаган йигитлар онгида қайноналар ҳақида жудаям нотўғри тушунчалар, хулосалар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қанча хато бўлмасин, онг остига ўрнашиб қолган тушунчадан воз кечиш қийин бўлади. Кейинги пайтларда қайноналарини муҳокама қиладиган, тап тортмай ёмонлайдиган эркакларнинг пайдо бўлаётгани балки, катта сахналарда айтилаётган ана шундай латифалар натижасидир. Эҳтимол, ёмонлашга арзирли сабаблар бордир-да, дейшингиз мумкин. Тўғри, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қайнонасини ғийбатини қилиб юриш эркакчиликка тўғри келмайди-да.

ТИРИҚЧИЛИГИНГ ҚҮРСИНИ!

Қайноналар ҳақидаги тутуруқсиз латифаларни эшитганимда ҳар сафар қизларига бекалик сирларини ўргатиб улғайтирган, ўқитиб, эрларига муҳтож бўлмайдиган даражада нонини бутун қилиб қўйган, бир умр куёвларини эъзозлаб яшаган, саксондан ошса ҳам олтмишдан ошган куёвлари келгудек бўлса ҳамон тағига кўрпа солиб, орқасига ёстиқ қўйишни қанда қилмайдиган онажоним кўз олдимга келади. Қизиқчиларимизнинг ўзидан ҳам бачкана ана ўшундай чиқишларини кўрганымда меҳмонга борсам ҳам, меҳмонга келсам ҳам ўқитгани жой тополмай қоладиган, болам-боламлаб бағрига босадиган, пулдор ўғиллари олиб берган қатор-қатор кийимлари қолиб қайсидир байрамда соғва қилган рўмолимни, болам олиб келган Тошкентдан, дея давраларда қайта-қайта мақтаниб юрадиган қайнона-онам (охирати обод бўлсин, илоҳим) гавдаланади. Шунинг учун қайноналар ҳақидаги бундай беўхшов, ясама латифаларга қуллолмайман. Шундай латифа айтувчиларга эса раҳимин келади, тирикчилигинг курсин!

...Майли, шу харитадан ўзингиз хоҳлаган жойни кўрсатинг, жўнатамиз, – дейди қаҳқаҳачи агентлик ходими мижозга. Мижоз бармоғи билан бир жойни танлайди. Ходимнинг капалағи учеди, гўё.

– Тўхтанг, тўхтанг, бу ерни тавсия қилмайман. Бу ер жуда хавфли.

– Нега, қанақасига хавфли?
– Одамхўрлар бор.

Мижознинг чеҳраси ёришади:

– Роса менга керакли жой экан, шу ерни алоҳида белгилаб қўйинг, илтмос.

– Нега?

– Келаси йили қайнонамни юбораман...

Кулгилими? Фақат шошманг, ўйлаб кўринг. Сизнинг ҳам онанинг қайсидир йигитининг қайнонаси ахир!

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
журналист.

Шонли йигирма саккиз йил...
Ўтган йиллар давомида ҳар биримиз мустақиллик деб аталмиш неъматнинг қандай заҳматлар эвазига берилишини янада чуқурроқ англаб етдик. Айниқса, атрофимизда рўй бераётган фожеалару нотинчликлар ҳамisha оғоҳликда, ҳушёрликда қадам ташлашимиз лозимлигини таъкидламоқда. Озод юртимизда кечаётган ҳар бир дақиқа биз ёшларга берилган катта имкониятдир. Зеро, яратиб берилаётган шароитлар юрагида ўти бор, шижоатли ҳар бир инсонни янада кўпроқ изланишга, катта мақсадлар сари интилишга, она ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ундаётгани рост. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз яқинлашгани сайин Турсуной бувимнинг кўзида ёш билан айтиб бергучи ҳикоялари тез-тез ёдимга тушмоқда. Бу ҳикоялар замиридаги юрт қайғуси, алланечук инсон кўнглини жунбушга келтирувчи қадимий оҳанг сизни ҳам бепарво қолдирмаслигига ишонаман.

YURT ESHIGI

(badia)

эргашиб боришганини эслайман. Онам эса ҳеч иккиланмай: "Эрим ва болаларим қаерда бўлса мен ҳам ўша ерданман!" деган.

Қирмизи олмалар ер билан битта бўлиб тўкилган ҳовлидаги сўрида райхонлар исига маст бўлиб ётарканман бувимдан эртакинг давомини айтиб беришини илтимос қиламан. Бувим эса ўша оғир ва аламли воқеаларни ҳикоя қилса юрак-бағри қора кунлар залворидан бир оз енгиллашадигандай кайфиятда сўз бошлардилар: "Эҳ болам, бу дунёдаги энг ёмон нарса ватангадолик экан. Украинанинг Мелетополь кишлогига етиб борганимизча не-не кийинчиликларни кўрмадик. Тўрт кишилик вагон купесига 20 кишини жойлаш-

сувоқлари кўчкан деворидан тортиб онамнинг хонасига элтадиган зах йўлакларни ҳамон кўз ўнгимдан, юрагимнинг тилка-пора бўлган бағридан кетмайди, болам".

Эртақлар оламидан узоқлашиб ўсмир ёшига етган бўлсам-да, кўнглимда шундай бир оғир соғинч ҳисси бор эдики, мен ҳалиям бувимнинг эртақларини кўрсардим. Ва шундай хулоса келдимки, ҳар қандай эртақнинг асосида ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат яширинган бўлади. Ахир, ҳозирги дорилмомон замонамизнинг ҳам пойдевори ана шундай ҳақиқатлар, яъни асл ва аччиқ изтироблару машаққатлар эвазига қурилмаганми?...
Қиш кечаларининг бирида шундай

миз. Мабодо ўқитувчиларимни тополмасам, ўша ерда онамнинг қабри бор. Қабрнинг ичига кириб ётавераман..."

Турсунойнинг бахтига меҳрибон ўқитувчилари Сергеевқадан кетишмаган экан. 1941 йили улар билан ҳамроҳликда Ростов шахригача фуригон аравада дугоналари билан келишган. "Аравада кетяпмизу атрофимиздаги отишмалар, тепамиздаги самолётларнинг ваҳимасидан адо бўлганмиз, - дея хотирлайди бувим.

Сўнгра Ростовдан "Қизил салон" деган вагонга чиқиб Тошкентга қараб йўл олишган.

"Тошкентда эса ўқитувчиларининг Набижон деган укаси яшайдиган Чорсу бозори ёнидаги 248-хонадонга жойлашшган. Ушбу хонадондан сал наридаги чойхона ёнидаги дўконда талонга нон тарқатишар экан. Бир куни Турсуной ўқитувчисининг қизи Суратхон билан нон олиб келаётиб почта кутисини кўриб қолади. Шунда онасининг васияти ёдига тушиб камзулининг чўнтагидаги



ЖАМАЛАКСОЧ ҚИЗНИНГ ҲАЁТИЙ ЭРТАҚЛАРИ...

Мен бувимнинг қизиман... Намозшомгул атлас кўйлақчасини ҳилпиратиб ҳайрат тўла кўзлари билан боқувчи ўша қизчаман. Ҳали елкасига ҳам тушмаган сочларини "қирқоқил қилиб ўриб қўйинг," дея хархаша қиладиган қайсаргина набирасини Турсуной бувим жудаям яхши қўришини билар эдим. Пахтадан пилик эшиб сочларимни қирқоқил қилиб ўриб қўйган кезлари бувижонимни маҳкам қучиб олардим. Қалампирмунчоқ иси келган бағрига сингиб аламли хотираларини тинглардим. Ёш тўла кўзларига боқиб индамайгина ўша дахшатли тузумнинг ҳодисаларига ўзимча баҳо беришга, ақлим етганича мушоҳада юритишга интилардим.

Миттигина бўлса-да ҳамроҳ ва дардош топилганига хурсанд бўлган бувижоним ўз ҳаёт эртагини шундай бошларди: "У пайтлари кимнинг уйида мол-ҳоли ёки биттагина оти бўлса ҳам "қулоқ" қилишга баҳона топиладди, болам. Отамнинг ҳам оқ ёлли тулпори бўлар эди. Ўша отига миниб далага кетаётса, бошовойлардан бири қўшимизнинг ҳомилидор аёлини: "Нега далага чиқмадинг. Менинг гапим бир пул бўлиб қолдими? Ёки шўроларга қаршимсан!..." - дея савалаётган экан. Шунда ғазабини ичига сигдиролмаган отам: "Ҳой нобакор, бировнинг хасми ҳалоллини уришга нима ҳақинг бор, гуноҳ эмасми?" - дея қўлидан камчисини олиб отиб юборган экан. Шундан сўнг ўша киши отамга қасдлашиб қолган. Ҳеч қанча ўтмай ҳовлимизга нотаниш одамлар бостириб кириб, уйимиздаги ҳамма нарсаимизни ташиб кетишди. Кейин билсам бизни қулоқ қилишган экан. Кўкон шахридаги Темир йўл вокзалига элтадиган аравага жойлашадиганимизда онамнинг қариндошлари: "Сен қолавер, бегона жойларда бизсиз нима қиласан", - дея араванинг ортидан анча жойгача

тиришган. Овқатланишимизу да олишимиз ва бошқа эҳтиёжлар учун фақат ўша хона ажратилган эди. Отам бечора ўшанда: "Ўзим қийналсам майли эди, сенин қийналганингни кўриш мен учун жуда қаттиқ азоб, болагинам. Ҳали олдимизда яна қанча синовли кунлар бор экан-а", - дея эзилганлари қануз қулогимда...

...Бизга ажратилган манзилга етиб борганимизда у ердаги совуқни, бегона одамларни кўриб қишлоғимизни соғиниб шунақа йиллаганман. Ҳали жойлашмасимиздан отам билан онам бир бурда нон топиш учун ўзига тўқ хонадонлардан иш қидира бошлашган. Туб аҳолининг эса инсофлисидан кўра нонсофлари кўпроқ эди. Бир талай ишларни юклаб қўйишарди-да арзимаган ҳақ тўланарди.

1932 йилнинг аёзли кунларидан бирида отам: "Бугун узоқроқ жойга иш қидириб кетяпман. Зора кўпроқ пул топиб келсам. Болагинамнинг қорни нонга тўярмиди..." - дея чиқиб кетганча қайтиб келмади. Ўша пайтлари бизни Черненко кишлогига кўчиришди. Отамни қута-қута онам оғир касал бўлиб қолди. Энди онамни боқиб ўшун мен ишлаб бошладим.

Бир куни ишдан қайтсам онам юкларимизни йиғиштираётган экан. Сергеевка кишлогига кўчиришганидан сўнг онам янада оғирлашиб қолди. Қўшимча иш топиб ҳарқалай онамни касалхонага жойладим. Ҳар қеч ишлаб топган нонимни қучоқлаб касалхона томонга югуриб борардим. Онам эса касалхона дерзасидан йўлимга кўз тикиб ўтирарди. Ўша касалхонанинг

“Шундан сўнг ўша киши отамга қасдлашиб қолган. Ҳеч қанча ўтмай ҳовлимизга нотаниш одамлар бостириб кириб, уйимиздаги ҳамма нарсаимизни ташиб кетишди. Кейин билсам бизни қулоқ қилишган экан. Кўкон шахридаги Темир йўл вокзалига элтадиган аравага жойлашадиганимизда онамнинг қариндошлари: "Сен қолавер, бегона жойларда бизсиз нима қиласан" - дея араванинг ортидан анча жойгача эргашиб боришганини эслайман.

йўлар билан сандалкўрпа четига тушган жийдани олар эканман бувижонимдан алла айтиб беришларини илтимос қилдим. Улар бир оз сукут сақлагач хиргойи қила бошладилар:

Алла айтсам тўтраган Кўқонжоннинг боғлари,

Қанча йиғласам кетмас юрагимнинг доғлари,

Оҳ, юртимнинг боғида ўлсам сўнги чогларим,

Алла бўлинг, онажон, ором олинг, онажон.

Болажоним, мана шу алландан мен онамга юз мартадан ошиқ айтиб берганман. Вафот этадиган куни онам раҳматли жуда бесаранжом бўлиб қолган. Мени астойдил ёнига ўтқазиб тайинлаган: "Жон болам, мана бу тоғаларининг манзили ёзилган қўроз. Бу ерларда қолиб кетишингни истамайман. Албатта, юртимизга, қишлоғимизга - Катта кўштепага қайтгин, кўпми. Хат ёзсан, албатта тоғаларинг сени топиб олишадди. Менга нима қилиб бўлса ҳам қариндошларимиз олдига қайтаман деб сўз бер! Бўлмаса сендан рози эмасман!"

1938 йили онаси вафот этган, Турсунойни Маячко шахридаги болалар уйига топширишди. У ердаги мухитта кўника олмаган қизалоқ ўртоқлари шахрихонлик Робияхон, тошкентлик Василахонлар билан яна Сергеевкага қочиб келишди. Йўлда Турсуной ўртоқларига шундай дейди: "Сергеевқа Каримов Иброҳимжон ва Каримова Олияхон деган ўқитувчиларим бор. Агар мураббийларим ҳалиям ўша ерда бўлишса улар билан Тошкентга кета-

қоздан манзилни билиб тоғаларига хат ёзади.

Тасаввур қиламан, гўдак чоғида ўз яқинларидан, она юртидан айрилган қизалоқ орадан ўн-ўн икки йил ўтган киндик қони томган масканга қайтиб келди. Тоғаси Қўқонбой уни етаклаб ҳовлига олиб кирганида жигарини соғинган аммалари Уммигулсум, Рисолатой, Савриниса ва Эрқабувилар кучоқлаб йиғлашса, Турсуной ҳеч кимни танимайди. Ҳа, фақат исми ўзгармаган холос, ўзи эса худди бегонадай... Бу аччиқ эртақнинг худди ана шу жойида бегозақ бўлиб савол берман: "Бувижон, ўзингиз тугилган уйни, қариндошларни қандай танигансиз?"

"Оҳ, болажоним, қариндошларим мени кучоқлаб йиғласа, қулиб тураверганман. Улар бир оз тарқагач, ўзим тенги қизлар билан кўчага ўйнагани чиқдик. Шундоқ нариги кўчага ўтсак, не кўз билан кўрайки, ўша ҳовлимизнинг нақшинкор эшиги ҳалиям турган экан. Бу эшикни отам ўз қўллари билан ясагандилар. Унинг ҳар бир нақши менга ёд бўлиб кетганди. Отамнинг табарруқ қўллари теккан эшигимизни кучоқлаб шунақа ўқиб йиллаганман... Ҳамма қариндошларим йиғилиб ҳам мени эшикдан ажратиб олишолмаган. Отам билан онамнинг бағрига бош қўйиб улаганларим, йўлларда чеккан изтиробларимиз, касалхонага бориб онамни топа олмай йиллаганларим, кейин уни ўз кўлим билан тулпроққа қўйганим... барча-барчаси қайтадан кўз ўнгимдан ўтган, юрагимдан ўтган, болажоним..."

Юрт эшиги... Ҳозир ҳам тез-тез тушларимга бувижоним айтиб берган ҳаёт эртағиди ўша нақшинкор эшик киради. Бобомнинг оқ ёлли тулпори кишнаб шундоққина остонада турганини, эшикнинг у ёғида эса жамалаксочли намозшомгул атлас кўйил акчасини ҳилпиратиб ҳайрат тўла кўзлари билан мўралаб турган қизчани кўраман.

МУХТАСАР ТОЖИМАТОВА

oilavajamiat@mail.ru

ESKI DARDNING YANGI DAVOSI TOPILADI (MI)?



Бугунги кунда аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиши қай даражада? Йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатидан кўнги тўлпадими? Каби саволларга жавоб топиш мақсадида яна ўша эски мавзу доирасида мулоҳаза юритамиз. Айтилган нарса – интервал масаласи. Эрталаб ишга келувчилар, кечқурун ишдан қайтувчилар бу вақт оралигида светафор ва чорраҳалардаги тирбандликларни ҳисобга олмаганда ҳеч қандай муаммага дуч келмайди.

Кўзлаган манзилига тез ва қулай фурсатда етиб бориш нур устига аъло нур. Бироқ куннинг тизиг пайти бўлмаган вақтлари айрим автобус йўналишлари "тошбақа юриш" қилиб юрагингни эзиб юборади. Шошиб турганингиз етмагандек, жазирама иссиқда "Туялар карвони"га ўхшаб ҳаракатланадиган йўналишга чиқиб қолсангиз борми, миянгиз қайнаб эс-хушингиздан айрилишингиз ҳеч қанаси. Бундай пайтда юраги хаста, қон босими юқори бўлган йўловчилар автобусга чиқмагани маъқул. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлганим боис, бу мавзуда кенг жамоатчилик фикрини газетхонлар билан бўлишига уриндим.

КЎПЧИЛИККА ТАНИШ МАНЗАРА

Соат кундузги 11 лар эди чамаси. Кун қиздирганидан автобус ичи нақд 60 даража бўлса керак. Сергели-5 массивидан Олой бозори томонга ҳаракатланадиган 38-чи автобусдамиз. Сергели деҳқон бозоридан қайрилган автобус йўналиши бўйича Жанубий вокзалга келиб тўхтади. Орадан 7-8 дақиқа вақт ўтди ҳамки автобус жойидан кўзгалай демайди, шу маҳалда бекатда тузукроқ одам бўлмаса ҳам, чиптачининг баланд овозда одам чақириши йўловчиларнинг ғашига тегади. Бир отахоннинг сабр юсаси тўлди шекилли:

– "Юрмийсаним, энди ўғлим. Одамларни аҳмоқ қилиб бақиринингни қара! Шу иссиқда бақириб, кутганин билан одам ўтлиб қолармиди?" дея койиб берди. Ойнадан салон ичига ўқрайиб қараган ҳайдовчи: "Бизда ҳам белгиланган вақт, план деган нарсалар бор, юришимиз шу, ёқмаса ана, таксида кетинг амаки!" дея ўшқирди. Орадаги тортишувга яна бир аёл қўшилди: Ҳайда, дегандан кейин ҳайданг-да энди, шундай иссиқда шафтолиқоқи бўлди-ку! Бир бурчақда ёш болали аёл ҳам бор экан, гўдак димиққанидан йилғай бошлагач, автобус секин жойдан кўзгала бошлади. Энди бир бекат юришимиз билан ёши 70 ларни қоралаб

қолган қариянинг мазаси қоча бошлади, ёнидаги йўловчилар бири елпаса, бири сув тутиб нуруйини ўзига келтиргунча 5-6 дақиқа вақт ўтди. Бироздан сўнг ёнидаги набираси бобосини навбатдаги бекатда тушириб қолдиришини сўрагандан кейин автобус тез юра бошлади. Хуллас, ўша кунни ярим соат, узоғи билан 40 дақиқада борадиган манзилимга 1 соату 20 дақиқада етиб борибман. Вақтдан ютказганим етмагандек, учрашмоқчи бўлган одамим ишдан аллақачон кетиб бўлган экан, иссиқда овора бўлиб уйга қайтдим.

ИНТЕРВАЛНИ САҚЛАШ ЭНГ КАТТА МУАММО

– Сергели туманидан 58-автобусда ўқишга қатнайман, – дейди Тошкент давлат автомобил йўллари институти талабаси Гиёс Маликов. – Бу йўналишни анча йиллардан бери кўпчилик яхши билади. Чунки дадам ҳам, ойим ҳам шу автобусда ишга қатнаб ўрганиб қолишган. Сабаби 58-автобус йўналишида интервал бўйича муаммо бўлмайди.

Аммо ушбу тумандаги 38, 57, 59, 62, 75, 104, 105 йўналишли автобусларни аниқ бир вақтда хизмат кўрсатиши қийин. Интервал деган нарсга амал қилиш эсидан ҳам чиқиб кетган бўлса керак ҳайдовчиларни. Бир келса кетмакет 10 дақиқа ичида 2 та автобус ўтиб кетади. Баъзи пайти ушбу йўналишли автобусларни бекатларда соатлаб кутиб қоламиз. Айнақса ўқиш пайти орадаги масофани сақлашда ўзлари хатога йўл қўя туриб, ичи лик тўла одам билан бир бирига гал бермай, ким ўзарга уйнашади. 38-автобус билан 57-автобусда шу ҳодисага кўп гувоҳ бўламан.

– Юнусобод универсамс бозоридан Амир Темура хиёбонида ишга қатнайман, – дейди математика фани ўқитувчиси Феруза Қобилова. – 51-, 72- автобуслар ўз вақтида яхши юради. Саккиз йилдирки, иккала йўналишни ҳам ҳеч узоқ кутиб қолмаганман. Ҳайвонот боғи томонга қараб юрадиган 19-, 115- автобусларга чиқишга ўйланиб қоласан киши.



Сабаби кутиш зериктиради одамни.

ИШОНЧЛИ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиши учун ишончли ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Негаки, бу мамлакатларда давлат улушидан кўра хусусий секторнинг улуши кўпроқ. Замонавий бекатлар, йўналишлар тадбиркорлар томонидан бошқарилади. Шу боисдан йўловчиларга хизмат кўрсатишда соғлом рақобат муҳити шаклланган.

– Бизда ҳам яқин келажақда хорижий давлатларники сингари сифатли хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси бошлиғи Анвар Жўраев. – Бугун бекатлардан тортиб йўловчиларга хизмат кўрсатишгача бўлган жараёнда етарлича камчиликларимиз бор. Тан олиб айтиш керакики, бу борада кўпроқ изланишимиз, аҳоли учун бундан ҳам қулай шарт-шароит яратиш учун ҳамкорликда ишлашимиз керак. Транспорт вазирлиги ҳамда бу тизимга хизмат қилувчи ташкилотларнинг қайтадан ташкил этилиши соҳада ечимини қу-

таётган муаммоларга тезда барҳам беришга, йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликларни ўз вақтида ҳал этишга имконият яратмоқда.

ИНВЕТОРЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНСА...

Пойтахтимиздаги давлат улуши мавжуд автобус паркларини Корея, Туркия, Россия, Сингапур каби давлатларнинг тадбиркорларига инвестиция киритиш орқали ишончли бошқарувга бериш кўзда тутилган. Айтилган уларнинг тақлифига кўра, шаҳар кўчаларининг жозибадорлиги, йўловчилар оқимини мониторинг қилиш, аксарияти бир хил йўналишга эга бўлган маршрутлар йўналишини янгилаш устида изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу хорижий давлатларнинг инвесторлари соҳага кенгроқ жалб қилинса, тартибсизликлар, бир бирини қувиб ўтишларнинг олди олинади. Яқин йиллар ичида янги йўналишда замон талабига мос, тезюра жамоат транспортлари йўлга қўйилади. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, йўловчилар оқими, тирбандликни олдини олиш, янги светафорлар ўрнатиш, бир сўз билан айтганда, йўлларни автобуслар эркин ҳаракатланишига мослаштириш устида ўрганишлар олиб бориляпти. Сабаби мослаштирилган бу йўллардан хорижий давлатларникидек автобусдан бошқа транспорт воситалари ҳаракатланиши таъкидланади. Бу лойиҳани амалга ошириш ўзига яраша маблағ ва муддатни талаб қилганлиги боис, изланишлар босқичма босқич амалга ошириляпти.

ЯНГИЧА ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Энди йўловчиларнинг эътирозларига сабаб автобусларнинг бекатларда туриб қолиши, бу автоматлаштирилган тизимнинг йўлга қўйилмаганлигидан. Қолаверса ҳозир ёз пайти ўқувчи талабалар, ишчи хизматчиларнинг кўпчилиги таътилда дам олаётганлиги ҳисобига йўловчилар оқими кескин камайган. Шу боисдан автобуслар одам гавжум жойларда туриб қолиши бор гап. Чунки ҳар бир йўналиш белгиланган кунлик режани бажариши учун ҳайдовчи ҳам, чиптачи ҳам бирдек жавобгар. Кунлик режани бажарган ходимлар эса ойлик маошига қўшимча равишда мукофот пули билан рағбатлантирилади. Агар автоматлаштирилган тизим жорий этилса, кунлик режа топшириш деган нарсга олиб ташланади. Йил якунига қадар бу тизимнинг ишга туширилиши ҳам шахримиз аҳолисининг ўз вақтида жамоат транспортдан фойдаланишига қулайлик яратиб, намунали, сифатли хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилади.

Яна бир муҳим жиҳати, бугунги кунда пойтахт аҳолисига давлат улуши бўлган 157 йўналишдаги автобуслар хизмат кўрсатаётган бўлиб, кунига 580 минг йўловчини ўқишга, ишга элтиб қўймоқда. Ҳамшаҳарларимиз учун замонавий автобусларнинг сифатли хизмат кўрсатиши, йўл кира харажатларининг маълум бир қисми давлатимиз томонидан қопланиши эса ҳукумат сиёсати даражасида режалаштирилган бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни оғирини енгил қилишининг бир қўринишидир.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.



BAХМАЛДА BIR KUN

Б улутларга ёндош осмонлар Бахмал тоғларига саёхат уюштириш иштиёки бизда ҳамма нарсадан устун турарди. Шунчаки эрмак учун дам олиб, ҳордиқ чиқарилади деганлар янглишади. Бу – она табиатга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, уни эъзозлаш ва ардоқлаш демакдир. Бунда биздан доимий изланишда бўлиб, билимларимизни ошириб бориш ва сабр-тоқат талаб этилади, албатта.

Нихоят, орзиқиб қутилган онлар яқинлашиб теварак-атрофнинг ям-яшил арчазорга бурканганлигидан бахри-дилимиз очилиб, кўнгиллар яйраб кетди. Ҳавонинг тозалиги руҳиятимизга таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бир неча кун аввал ёққан ёмғирдан сўнг ҳаёт янада жонлангандек. Обихаёт бетакор таровар бағишлайди. Бепоеён кенгликларга бахмал гилам ёйилгандай бўлади. Теварак-атроф чирой очиб, унинг гўзаллигини анвойи гуллар белгилаб беради. Гуллар соҳилларни нозик ифорга буркайди.

Тоғ оралигидаги қишлоқ чўпони сурувни ўзига хос чақириқ билан қорлаб бир жойга тўплаган, уни ёрдамчисига топшираркан, бизга йўлбошчилик қиладигин бўлди. Кўп саргузаштларни бошидан ўтказган қария кўринишдан сабр-тоқатли, дилкаш ва очиқкўнгил бўлиб, юз-кўзларидан нур ёғилиб турарди. Пасту баланд, ўнқир-чўнқир тош йўллар ва но-текис сўкмоқлар унга чўт эмас.

Тоғ чўққиларининг кўпчилиги шу ҳудудда жам бўлган. Чўққилар тик қоялардан иборат. Шунинг учун автоуловлардан тушиб яёв юришимизга тўғри келди. Баландга чиққунча киши-

нинг тинка-мадори қуриydi. Пастда эса тошдан тошга бош уриб анҳор суви шовиллайди. Қишлоқ кафтда тургандек кўзга яққол ташланарди. Чор атроф гуллар чамани билан қопланган, унинг гўзаллиги ва латофатидан ҳайратимиз ичимизга сиғмасди.

Табиат – моҳир ҳайкалтарош. Кўплаб харсангтошлар турли нуқтадан турлича кўринади. Олисан одам гавдасини эслатади: ибодат қилаётган аёлни, йиғлаётган болани, сурув ортидан келаётган чўпонни... Мўъжизалардан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Эски сўкмоқ йўлга чиққанимизда бир уюм харсангтошлар оралигида икки кўчқор шохлашиб тош қотганга ўхшайди. Шундан сўнг бирин-кетин турли жонзотларни эслатувчи антика тошлар ҳам эътиборимизни тортиди.

Тоғ чўққиларининг кўпчилиги шу ҳудудда жам бўлган. Чўққилар тик қоялардан иборат. Шунинг учун автоуловлардан тушиб яёв юришимизга тўғри келди. Баландга чиққунча кишининг тинка-мадори қуриydi. Пастда эса тошдан тошга бош уриб анҳор суви шовиллайди.



Айниқса, оғзини очиб турган айиқ, капча илон, балиқ, тошбақа кабиларни кўриб ҳайратимиз янада ошди. Ҳазимизни худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этдик. Улар кучли шамол туфайли тоғ жинсларининг емирилишидан вужудга келган.

Тик ва баланд тепаликдаги қирққиз ва уч опа-сингил қоялари олис-олислардан ҳам кўзга яққол ташланиб турарди. Улар ҳақида халқ ўртасида турли ривоятлар юради. Шўх-шодон қизлар ва опа-сингиллар тақдири беихтиёр ҳаёлга толдиради ва ўйлатади. Шунингдек, сарғиш-кўнгир тусли сават кўтарган қиз ва она қиёфасини гавдалантирувчи топилмалар гарчи жонсиз бўлса-да, гранит тошларда ўз аксини топганди. Бу наққош табиат маҳсули бўлиб ҳеч бир ҳайкалтарош томонидан тарашланмаган ва ишлов берилмаган. Афтидан кучли шамол чанг, шағал ва тош парчаларини олиб келиб ёриқларини кенгайтирганлиги сабаб ана шундай кўриниш ҳосил қилган.

Биз дара бўйлаб саёхатимизни давом эттирарканмиз ҳудди пичоқ билан кесилгандек силлиқ харсангтош устидан зилол сув қуюлиб оқаётганлигини кўрдик. Сойнинг торгина қисмида эса муздек сув тарам-тарам бўлиб пастга оқиб тушаркан, метиндек тошда ариқ ҳосил қилганди. Уларни завқланиб томоша қиларканмиз ҳайратимиз янада ортди.

Теварак-атрофи шох-шабба ва

йирик бутазорлардан иборат баланд тепалик остида катта ҳажмли бўшлиқда фор неча-неча асрлар илгари вулкон, табиий офат ва оҳақтошларнинг емирилишидан вужудга келган бўлиб, бу қадимий ерости обидасига келиб-кетувчи сайёҳлар қадами узилмайди.

Тоғ йўлларида бир қанча антика тошларни ҳам учратиш мумкин. Уларнинг одамлар ва турли мавжудотларга ўхшашидан беихтиёр ҳайратландик. Жумладан, тоғ эчкиси, бургут, ғоз ва ўрдақлар қиёфасидаги тошлар бирин-кетин кўз ўнгимизда гавдалана бошлади. Бу каби антика тошлар табиат маҳсули бўлиб, гўё ҳайкалтарош томонидан ишлов берилгандек эди. Улар табиатнинг асл дурдоналари ҳисобланади, шубҳасиз. Бу топилмаларни қайта-қайта томоша қиларканмиз таассуротларимиз янада бойиди. Улар ҳар қандай табиат шайдоларини ўзига мафтун этмай қолмайди. Бу каби топилмаларни вилоятими знинг бошқа туманларида ҳам учратиш мумкин. Уларга асло шикаст етказмасдан асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказмоғимиз лозим.

Хуллас, бир кунлик саёхатдан бой таассурот олдик. Уларни таърифлашга тил ожиз. Қизиқарли сафаримиз хурсанд бўлишга арзийди. Об-ҳаво ҳар қадамда бизни руҳлантириб турди, чарчоқ нималигини билмадик. Саёхатдан сўнг табиат билан ҳамоҳанг бўлиш, тарихий мажмуа, антика тошлар ва топилмаларни асраш, уларга зиён етказмаслигимиз лозимлигини яна бир бор ёдга олдик.

Муножат РАВШАНОВА,
Ғаллаорол туманидаги 45-умум-
таълим мактаби ўқитувчиси.



QIZINGIZ TURMUSHGA CHIQISHGA TAYYORMI?!

Сўхбатдошим "Оила" марказида ишлашимни эшитиб, ажримларга сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳақида айтиб қолди. Не-не орзу умидлар билан тўй қилиб келин туширамиз. Тўйдан кейин эса... Айрим қизларимизни оддийгина уй-рўзгор ишларида уқуви йўқлиги кўриниб қолади. Ёғ қиздириш у ёқда турсин, тухумни ҳам зўрга қовурадиган келин-қизларимиз бор. Ёки меҳмон кутиш одобини билмаслиги, шунингдек, гигиена қоидаларига риоя қилмасликлари оилада қайнона келин, эр ва хотин ўртасида низоларини келтириб чиқараётганини мисоллар билан айтиди.

Ўйланиб қолдим. Танишимнинг гапида жон бор эди. Марказимизга мурожаат қилиб келган қайнонанинг келини тўғрисида гаплари ёдимга тушди. Келиннинг овқат қилса таом юзидан пиёзлар қалқиб туради. Аста-аста ўргатаман деб ўйлагандим. Йўқ. Камчилигини тузатиш ҳақида насихат қила бошласам энсаси қотиб терс жавоб қайтаради. Бунақада қўлимдан ишимни олишига

кўзим етмайди. Гапирсам ёмон кўринаман. Қанча тушунтирдим, овқат қилишдан олдин ёғни яхшилаб қиздириб кейин гўшт ва пиёзни яхшилаб қовуриб деб, гапларимни қулоққа илмади. Ўғлим бора-бора келин қилган овқатни емай қўйди. Мана шу ҳолатни деб эр ва хотин ўртасида низо келиб чиқди.

Бир кун уйимизга меҳмон келди. Келин меҳмонлар билан сўрашиб уйга кириб кетди, анчадан кейин патнисда ширинликлар олиб келди. "Чой олиб келинг", дедим секингина. "Чойни энди қўяман" деб иттироқ билан чиқиб кетди.

Бу жуда майда-чуйда гап. Арзимаган ишқу аслида. Аммо мана шундай оддий



бўлиб кўринган ҳолатлар ҳам оиланинг дарз кетишига сабаб бўляпти.

Шунинг учун аввало, қизларини турмушга узатаётган оналаримиз уларга рўзгор илмини, каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатишни, меҳмон кутиш одобини ўргатишса, эътибор беришса нур устига аъло нур бўларди.

"Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби" фаолияти йўлга қўйилгани яхши бўлди. Қайси кун бир маърақада эшитиб қолдим. Шу сизларни мактабингизда ўқиган қизлар келинлик илмини ўрганишаётган экан, қани энди қайноналарни ҳам ўқитсангизлар. Баъзан бир оғиз сўз, ҳикमत ёки ривоят бир умр сабоқ бўлади.

Соғлом ва оқила она, тадбиркор ва ибратли ота бўлиш, тўрт мучаси соғ ақлли, зукко фарзандни тарбиялаш, унга ҳаётнинг барча қирраларидан сабоқ бериш, ёмонликлардан турли балою қазоплардан, хавф-хатардан, ёт мафқурадани асраш одамлар орасида илмли, фозил бўлишни ўргатишнинг ўзи бўлмайди.

Миллий ёғни оила муҳитида боланинг онги, қалбига синдиришнинг муҳим воситаси бу – оилавий қадриятларни сақлаш ва аъёнларимизни кундалик тарбия тизимига жорий қилиш, турмуш тарзининг бир бўлагига айлантиришдир.
Зулхумор РАЗЗОҚОВА,
"Оила" ИАТ маркази Бухоро туман бўлими раҳбари.

MAOSH OLMAYDIGAN TARBIYACHI

Шарофат аянинг қон босими ошиб кетди. Тез ёрдам шифокори зудлик билан аяни шифохонага ётқириш зарурлигини тайинлади.

— Қон босимингиз жуда юқори. Бу босим билан уй шароитида даволаниб бўлмайди, — деди биринчи ёрдам кўрсатаётби шифокор.

— Ҳар доим шунақа босимда юрман. Эртага яхши бўлиб қоламан қизим, бирорта укол қилиб кетавер.

Шифокорнинг шунча тушунтиришларига қарамай, Шарофат ая шифохонага боришдан бош тортди.

— Унда шифохонага боришдан бош тортганингиз ҳақида тушунтириш хати ёзиб беринг. Хоҳламангиз сизни мажбурлаб олиб кетолмаймиз. Фақат эртага туман поликлиникасига бориб, терапевт шифокорга учрашиб, зарур таҳлилларни топширинг.

— Хўп, қизим, раҳмат сизларга. Мендан хавотир олманглар. Эртага яхши бўлиб қоламан.

Шарофат аянинг соғлиги эртага ҳам, индинга ҳам яхши бўлмади. Кундан-кунга боши оғирлашиб, танасини бошқаришга кучи етмай қолди. У ичаётган дориларининг бирортаси ҳам фойда бермаслигини яхши билади. Шунинг учун дориларни ёстигининг остига беркитиб қўйди. Аяни доридармон эмас, ўзи тузатиши мумкин. Унинг дарди ичида. Муаммоси жуда катта...

Дам олиш куни ўғли Зафарниқига меҳмонга борганди. Ҳамма муаммо шундан бошланди. Ўғли билан келини ишда. Уйда неваралари бор экан. Дарвозани очган Замира бувисининг бағрига ўзини отди.

— Дилшод, чай қўй, бувим келди, тез-тез қимирла, — дея укасига иш буюрди.

— Нима, ўзинг қўявер, бу қизларнинг иши, — деди опасининг буйруғига жавобан Дилшод ичкари уйдан овоз бериб. Замира югуриб ичкари хонага кириб кетди. Бир зумда опа-укалар ўртасида даҳанаки жанг бошланди.

— Ҳа, ур, яхшилаб, сол, — деди укаларига қозилик қилаётган Ақром жанжал тафсилотларини телефонига муҳрларкан.

— Сен, аралашма, бор, бувим келган, қараб қўй, — қичқирди Замира акасига қўлини паҳса қилиб.

— Бақирма, менга, муомалангни тўғрила, хўпми. Қиз боласан, — деди Ақром бувисининг қаршисига пешвоз чиқаётби.

— Агар телефонимга қўлингни теккисанг синдираман, — дея укасига ўдағайлади Замира Дилшоднинг қўлидан телефонини юлқилаб оларкан.

— Ойим келсин, ҳаммасини айтаман. Мактабдан келиб, телевизор кўришдан бўшамади, дейман.

— Агар айтсанг...

Шарофат ая ичкари хонага кириб, невараларини ажратмаганида бу олишув анчайин давом этарди. Замира ҳам битта гапдан қолмайди. Укам мендан беш ёшга кичкина, озгина ён босай, демайди. Аксинча, ўзини ҳақлигини исботлаш учун тиришиб тортишади. Иккиси ҳам аразлаб, хоналарига кириб кетишди. Ақром ҳам ўртоқлари қақираётганини баҳона қилиб, кўчага чиқиб кетди. Буви невараларига атаб олиб келган нарсаларини айвон четига қўйди-ю ортига қайтди. Уйга борса хўжайини тезда қайтганидан хавотирлигини ўйлаб, катта опаси Омина аяниқига йўл олди. Бу хонадонда ҳаммаси ўзгача. Бо-



Bugunning hikoyasi

Шарофат ая ҳам уларни ўз ҳолларига қўйиб қўйди. Мана энди орадан йиллар ўтиб, неваралари балоғат ёшига етиб қолишди. Энди уларнинг тарбияси ҳақида қўйиб қўйди. Аммо ҳечдан кўра кеч, деганларидек Шарофат ая невараларини тарбияламаса бўлмаслигини тушуниб етди. Уғлига кўнғироқ қилиб, уйдаги вазиятни тушунтирди. Ўғли ҳам онасини маъқуллади, хотини иккиси болаларни йўлга соломлай қўйналаётганларини тушунтирди.

лалар бир-бирлари билан мулоим, майин оҳангда сўзлашар, ҳеч ким бир-бирининг жиғига тегмасди. Уйлар саранжом-саришта, ҳамма нарса жой-жойида.

— Ассалому-алайкум, бувижон, яхши ўтирибсизларми?

Шарофат ая билан Омина ая ўтирган хонага Улуғбек кириб келди. У бувиси билан ачомлашиб кўришгач, Шарофат аянинг ёнига ўтди.

— Яхши ўқиб келдингми? Ёмғирда хўл бўлибсан, кўрткангни бер, қуритиб бераман, — дея Улуғбекнинг катта опаси Сарвиноз ичкаридан чиқиб, укасининг кийимларини қўлга олди. Улуғбек юз-қўлларини ювиб, дастурхонга ўтиргач, Сарвиноз чойни янгилаб, укасининг ёнига қўйди.

— Овқатингни еб, яхшилаб тушлик қилиб ол, машғулотга кеч қолмагин. Нарсаларингни тайёрлаб қўйдим. Ўзинг яна бир кўздан кечириб чиқ, хўпми?

Улуғбек овқатланиб бўлгач, бўшаган идишларни ошхонага олиб бориб қўйди. Хонтахта устидаги нон увоқларини кафти билан сидириб, ҳовлида юрган товўқларига берди.

Шарофат ая опа-укаларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирди. Сарвинознинг эътиборига жавобан Улуғбек ҳам ўзини шунга муносиб тутарди. Опа-укаларнинг онгу шуурида мен каттаман, укам менга хизмат қилиши керак. Ёки ҳали кичкинаман, мени айтганим бўлади, деган фикр йўқ. Шарофат ая ўғлининг уйдаги тарбия билан опасининг хонадондаги вазиятни таққослади.

Мен қаерда хато қилдим? Ахир болаларимни бир-бирларига меҳроқибатли, эътиборли қилиб ўстирган эдимку. Нега невараларим оқибатсиз чикди?

Шарофат аянинг бир ўғил, икки қизи бор. Қизларини турмушга узатган, ўзларидан тиниб-тинчиган. Ўғлини уйлантиргач, вақти-соати етиб, неварали бўлди. Келини Соҳиба жуда ҳам инжик, ўз айтганини қилдирадиган хилидан чиқиб қолди. Бир куни Шарофат ая неварасини олиш учун болалар боғчасига борди. Тарбиячи минг истиҳола билан бувига неварасини тез-тез чўмилтириб, озода сақлашини, ички кийимларини ҳам тозасини кийинтириб юборишини тайинлади.

— Келинингизга айтай десам, нотўғри тушунмасин, дейман. Дурдона қиз бола. Боғчада ҳожатдан сўнг ўзим ювиб, тозалаб қўяман. Аммо кўпинча уйдан ҳидланиб келади. Бу унинг соғлиғига зарар, — деди тарбиячи қиз хижолатомуз оҳангда.

Ер ёрилмади-ю Шарофат ая ерга кириб кетмади. Ахир бутун маҳалла-кўй олдида ая озодалиги, саранжом-саришталиги билан ҳурмат қозонган. Ҳовлисига кирган одамнинг баҳри дили очилади. Фарзандлари, айниқса қизларига ҳаммиша озода юришлари, шахсий гигиенага амал қилишни ўргатган. Демак, келинига ҳам қизларига берган тарбия сабогини ўргатиши зарур.

— Соҳиббахон, қизим, келинг ўтиринг. Сизга айтадиган гапларим бор, — дея Шарофат ая боча опа айтган сўзларни юмшатиб, келинига тушунтирди.

— Менга ақл ўргатгани ким бўлибди ўша тарбиячи қиз? Олдин ўзи турмушга чиқиб, бола туғиб олсин, кейин мен билан гаплашсин, — деди Соҳиба қўлини паҳса қилиб.

Шарофат ая бу келинни тартиб-интизомга ўргата олмади. Набираси ҳовлида ўйнаб келиб кир қўли билан косадаги овқатларни олиб ейди, нон тишлади. Бувиси олдин қўлингни ювиб, кейин овқат егин, бармоқларингдаги қирлар қоринчанга кириб, касаллик тарқатади, дея тушунтирди.

— Боланинг иштаҳасини бўғманг, микробларнинг ҳам фойдаси бор, истаганича есин, — дейди келини захархандалик билан овқатни боланинг ёнига суриб.

Ёз фасли келди дегунча неварасининг ичак фаолияти бузилиб, ошқозони оғриб юради. Баданига тошмалар тошиб, қўли баданидан тушмайди. Келиннинг парволи палак. Ҳатто жажжи Дурдона гепатитга чалиниб қолганида ҳам Соҳиба шифохонага ётишдан бош тортди, қизчасини уй шароитида даволади. Қайнона-келин келишолмай, охири ўғли ижара уйга кўчиб чиқиб кетди. Шарофат ая ҳам уларни ўз ҳолларига қўйиб қўйди. Мана энди орадан йиллар ўтиб, неваралари балоғат ёшига етиб қолишди. Энди уларнинг тарбияси бой берилди. Аммо ҳечдан кўра кеч, деганларидек Шарофат ая невараларини тарбияламаса бўлмаслигини тушуниб етди. Ўғлига кўнғироқ қилиб, уйдаги вазиятни тушунтирди. Ўғли ҳам онасини маъқуллади, хотини иккиси болаларни йўлга соломлай қўйналаётганларини тушунтирди.

Шарофат аянинг онаси раҳматли оғир-вазмин, мулоҳазали аёл бўлган. Ака-укалар бир-бирлари билан келишолмай қолса, алоҳида хонага олиб кириб, танбех берарди. Ҳеч қачон акани ука, синглини опа олдида изза қилмасди. Кимнинг айби бўлса, секингина кулоғига пичирлаб, хатосини тушунтириб қўярди. Шу боис фарзандлари бир-бирига меҳрибон, аҳил-иноқ бўлиб ўсган.

Хўжайини билан маслаҳатлашиб, ўғлини оиласи билан ҳовлига кўчириб келишга қарор қилишди. Бу таклифга Соҳиба эътироз билдирмади. Чунки унинг асаблари ҳам уйдаги мижролардан, болаларнинг инжиқликларидан чарчаган. Соҳиба болаларни тарбиялашдан олдин ўзининг характериини ўзгартириши зарурлигини тушуниб етди. Олдинги хатоларини тузатиш учун биринчи қадамини ташлади...

Нигора РАҲМОНОВА

КО'КҮО'TАЛ, КО'КАРТІРІВ ҮВВОРАДИМІ?!

Эътибор қилган бўлсангиз ёзнинг иссиқ кунларида ҳам йўталиб юрган кичкинтойларни учратиш мумкин. Қўшнимиз Латофат келиноининг ҳам кичкинтой ўғли йўталган экан шифокорга олиб боришибди. Келиноиймнинг айтишига қараганда фарзанди кўкйўтал касаллигига чалинган эмиш. Хўш, бу қандай касаллик? Унинг давоси борми? Ушбу саволларимизга батафсил маълумот олиш учун юқумли касалликлар шифокори Бахтиёр Бегматов билан суҳбатда бўлдик.

Томоқ оғригидан фарқ қилади
Кўкйўтал – бўғилиб-бўғилиб йўтал тутиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик, ҳаво-томчи йўллари билан юқувчи бактериал инфекция ҳисобланади. Кўринишидан томоқ оғриги ёки шамоллашга ўхшаб кўрингани билан, аслида юқумли инфекциядир. Характерли белгиси хуруж тутиб қолиши (приступ), спазматик йўталлигидир. У нафас олиш йўлининг ҳаволи инфекцияси бўлиб 2, 3 ёшдаги болаларда оғир кечади. Яъни бу касаллигининг асосий беморлари болалардир. Касаллик кўзгатувчиси Бордателла пертуссис аероб, капсулани таёқча бактериядир. Бактериялар кўп миқдорда токсинлар ажратиб чиқаради ва нафас йўллари шиллиқ қаватини зарарлайди. Нафас йўллари шиллиқ қаватиди вирус кўлайиб, касаллик симптомларига сабаб бўлади.

Қандай кечади?

Кўкйўтал касаллигига чалинган бола аксирганда, йўталганда ҳавога тарқалган шиллиқ томчиларидаги инфекциялар соғлом боланинг нафас йўллари орқали организмга киради. Бола организмга кирган бактерия 2-15 кун давомида ҳеч қандай касаллик аломатларини пайдо қилмаслиги ҳам мумкин – бу инкубацион даври дейилади. Инкубацион даврдан кейин гриппсимон белгилар пайдо бўлади, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Аксириниш, қурак йўтал бошланади, бу давр 2 ҳафта давом этади. Бу даврда юқиш даражаси ўта юқори бўлади. Кейинги давр катарал давр бўлиб, йўтал кун сайин зўра яборади, ҳарорати кўтарилади, бола инжиқ бўлиб қолади, яхши ухлай олмайдди, иштаҳаси йўқолади. Бу давр 2 ҳафта давом этади. Боланинг аҳволи аста-секин ёмонлаша боради, кетма-кет қаттиқ йўталади ва иккинчи ҳафтанинг охири, учинчи ҳафтанинг бошларига келиб, хуружсимон йўталга айланади. Кейин эса бемор учинчи даврга — спазматик даврга ўтади, у 1-5 ҳафта давом этади. Йўтал тутиш даври касаллигининг асосий ва доимий ало-

матидир. У 2-3 марта қаттиқ йўталиш билан бошланади, кейин тинмай кетма – кет калта-калта йўталаверади ва нафаси ичга тушиб кетиб, товуш ёриги қисқариши натижасида "ғийк" деган товуш чиқади.

Йўтал тутганда боланинг юзи аввал қизариб, кейин кўкаради, кўзи ёшланиб, унга қон кўйилиши мумкин, тили осилиб кетади, бўйин томирлари бўртади. Озроқ балғам кўчиши ва кўпинча қайт қилиш билан йўтал тутиши тўхтайдди. Йўтал тутган пайтида болани кўтариб олиш ёки ўтиргизиб қўйиш лозим, оғизда йиғилган шиллиқ ақралишини камайтириш учун бошини сал олдинга энгаштириб ушлаб туриш керак. Йўтал тутмаган пайтда бола ўзини яхши сезади. Бора-бора йўтал тутиши камайдди, боланинг руҳи энгиллашиб, соғайиш даври бошланади, бу давр 1-3 ҳафта давом этади. Кўкйўталга қарши оммавий эмлаш туфайли касаллигининг энгилроқ тури кўпроқ учрайди, бунда йўтал тутиш даври жуда энгил ўтиши ёки йўтал тутмаслиги ҳам мумкин. Эмадиган ва нимжон болаларда оғирроқ кечади.

Олдини олиш йўли битта (ми)?...

АҚДС (адсорбирланган кўк йўтал дифтерия қоқшол) вакцинаси кўкйўтал ка-

саллигининг асосий ва ягона ҳимоячиси ҳисобланади. Болалар 5, 6, 7 ойлигида, кейин 1-2 ёшда режали эмлаш асосида ва 6 ёшда врач буюрганида эмланади.

Касаллик фақатгина эмланмаган болаларга юқади, шундай экан касаллигининг олдини олишнинг ягона йўли болани ўз вақтида эмлашдир. Шу билан бирга болани касалликка чалинган беморлардан узоқда сақлаш керак.

Давола-ниш шарт

Касаллигининг қай даражада оғирлиги йўталнинг сони ва хуружга боғлиқ. Бир кунда 10 мартадан 15 мартагача йўталса энгил, 15 дан 20 мартагача йўталса ўрта оғирликда, 20 мартадан 50 мартагача йўталса хуружга олиб келадиган оғир даражаси ҳисобланади. Касаллик хуружга келганча бола ўзидан кетиб қолиш даражасига боради. Даволашни учун албатта, шифохонага ётиш зарур.

Беморлар 10 кун даволангандан кейин тоққа ҳаво алмаштиришга юборилади. У ерда шифохонага қараганда йўтал 3 баравар тез тазалади. Сабаби, биринчидан, тоғ ҳавосида намгарчилик катта (шунинг учун ҳам кўк йўтални биринчи муолажасига тоза ҳаво деб ёзилади), иккинчидан, ҳавонинг салқинлиги (иссиқ ҳавода кўк йўтал кўлайиб кетаверади).

Кун тартибига риоя қилиш, соф ҳаводан баҳраманд бўлиш, оз-оздан, лекин дам-бадам тўйимли овқат бериб туриш касаллигининг тез яхшиланишига олиб келади.

Беморнинг касаллик даврида 23-кунгача кўкйўтал юқумли саналади, шунинг учун ҳам ётиб даволаниши мажбурий. Даволашни жараёнида ҳам йўтал уч бараваргача камайдди. 23-кундан кейин уйига жавоб берилади, бу вақт ораллигида йўтал тўхтаган бўлмайди. Шу сабабли ҳам бемор мунтазам шифокор назоратида бўлади. Даволаш шарт, чунки касаллик ҳар бир болада асорат қолдиради.

Асорат қолдирганда

Касалликдан бронхит, бронхопневмония асоратлар қолдирганда педиатрия касалхоналарида даволаш давом эттирилади. Асорат ҳамма беморда ҳам қолади. 100 фоиз беморларда бронхит, 50 фоиз касалларда, бронхопневмония асоратлари қолади. Бу асоратлар касаллигининг ичида пайдо бўлиб, касаллик даврида даволаниб кетди деб айта олишим мумкин. Шу сабабли ортиқча кўрқувга ҳолат йўқ. Касаллигининг оғир туридан кейин кўпинча бурун қонаши, зотилжам (аксари гўдақларда) каби асоратлар ҳам кузатилади.

Эмланган болага ҳам юқиши мумкин

Агар эмлаш жараёни нотўғри бўлган бўлса, эмланган бола ҳам касалликка чалиниши мумкин. Масалан, бир ойлигида эмланган бола, кейинги эмлаш вақтида бирор касаллик билан курашаётган бўлса (масалан шамоллаган), шифокор уни эмлаётмай бир ҳафта ўтиб даволаниб кейин келинг деярли ортига қайтаради. Орадан вақт ўтиб кетди энди эмлаш тўлиқ бўлмайди, бола ўз вақтида эмланмади, бу эса касаллик юқиш хавфи борлигини билдиради. Эмлаш вақти сурилиб кетганидан, тўлиқ хавфсиз ҳисобланмайди.

Кўкйўтал кўлайиб кетишининг яна бир асосий сабаби, кўп-чилиқ чақалоқлардан невропатолог врачлар кўкйўтал вакцинасини олиб ташлаётти (яъни бола бу касалликка қарши эмланмапти). Сабаби чақалоқлар туғма нуқсонли қон босими (черепной давления) билан дунёга келаяпти. Режали эмлашни олиши учун болалар кўриқдан ўтиши керак бўлади, шу вақтда невропатолог шифокорлар, болани бошида қон босими катта экан дея, оғир эмловчи вакциналарни чиқариб ташлайди. Вакцина олишни ман қилган шифокор (невропатолог)лар боланинг бошидаги босимни даволаши ҳам керак, ҳозир эса ундай бўлмапти, болани бошида босими бор деб эмланмадими, шу ҳолига қолиб кетаяпти. Аслида эса ўша босим бир-икки ой ичида даволаниб, кейин кўкйўталга қарши эмлаш воситалари олиниши зарур. Бошида босими билан туғилган чақалоқлар даволаниб, эмлашни давом эттирмас экан, касалликка қарши кураша олмаимиз.

Кўк сугирнинг сутиню кўк қарганинг пати ҳам фойдасиз

Олдинга келган беморларнинг кўпчилиги эскича билан даволаш йўлини сўрашади. Орамизда эскича усулларда даволашга ишонадиганлар ҳам кўп. Шифокор сифатида бу каби усулларни маълумламайман. Баъзи ота-оналар бемор боласини кўтариб, қарда кўк сугир бор экан, шунинг сутини ичираман, кўк қарганинг патини юлиб боламага тақиб қўяман деб чопачон қилиб қолишади. Натижада касаллик кучайиб бола тамоман ҳолдан тойиб, йўталишга ҳам холи етмай қолганда шифокорга келишади. Бундай ҳолатларда муолажалар узоқ давом этади. Агар касалликлар ирим-сиримлар билан даволаниб, шифо топилганида, халққа шифокор керак бўлмас эди деб ҳисоблайман.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.



Psixolog KIM? Psixiatr-chi?



yoʻxud gipnoz bilan davolash bor narsami?

Тиббиётда барча хасталикларнинг келиб чиқишини асаб тизими фаолияти билан боғлашади. Бу қанчалик ҳақиқат эканлигини танаси дард кўрган кишилар тасдиқлайди. Шундай экан, асабни асрашимиз керак. Бугунги саҳифамиз меҳмони шифокор-психиатр Гулноза РЎЗИЕВА билан руҳий бузилишлар мавзусида суҳбатлашдик.

– Айтинг-чи, мутахассислигингиз, яъни психиатрларнинг тиббий психологдан фарқи нимада?

– Азалдан руҳий хаста бемор ёки руҳий ҳолатида ўзгариш кузатилаётган инсонларга айнан қайси мутахассис хизмат кўрсатиши кўпчилик учун номаълум бўлиб келган. Негаки руҳият билан боғлиқ касалликларни даволашда йўналиши мутлақо бошқа шифокорлар ҳам айрим даво усулларини синаб кўришмоқда. Хўш, психолог ким, психиатр ким? Нафақат тиббий маълумоти йўқ инсон, балки айрим шифокорлар ҳам бунинг фарқи бормасликлари мумкин. Қисқа қилиб айтганда, психолог бу – олий маълумотга эга ёки шу маълумоти асосида “Психология” йўналиши бўйича кўшимча махсус курсни тамомлаган мутахассис бўлиб, инсон психологиясини, унинг ривожланиш босқичларини, турли соҳаларда, вазиятларда ўзини тутишини, ўзгаришларни, руҳий ҳолатга таъсирини ўрганиш билан шуғулланади. Энг асосийси, психолог руҳий соғлом инсонлар билан иш олиб боради, табиийки, руҳий соғлом инсон медикаментоз давога муҳтож бўлмаганлиги сабабли психолог дори воситаларни буюрмайди. Бундан келиб чиқиб, психолог барча соҳада фаолият юритиши мумкин: психолог–педагог, спорт психологи, психолог–криминалист, оилавий психолог, болалар психологи, шахсий психолог, психолог–сексолог, соҳа йўналишини аниқловчи психолог, менежмент психологи ва ҳоказо.

Масалан, психолог–педагогнинг вазифасига боғча ёки мактаб ёшдаги болалар шахсини ўрганиб чиқиб, жамоадаги тенгдошлари билан тўғри муносабатни шакллантириш, улар ўртасида дўстона муносабат ўрнатиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, бола фанларни яхшироқ ўзлаштириши, боланинг оиласидаги келишмовчиликлар, шахсидан келиб чиқиб уятчанлик, дангасалик сабаб ўзлаштириши паст бўлган вазиятлар, мактабга янги келган боланинг синфга ижтимоий мослашиши, ота-она билан суҳбат ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларнинг иқтидорини юзага чиқариш, мактаб ҳаётида ижтимоий фаол бўлишига

ёрдам бериш, ўз келажагининг пойдеворини қуриш, руҳий кечинмаларини эрта аниқлаш каби ҳолларда психологик кўмаклашиш ҳам психолог–педагогнинг вазифасига киради. Одатда, психолог ўзи ёқтирган маълум йўналишларни танлаб олади ва шу йўналишда фа-



олият юритади. Юқорида айтилганидек психолог инсонларга бирон бир соҳанинг асосий мутахассислари билан бирга фаолият юритувчи ходимдир.

Психиатр эса ҳақиқий тиббий маълумотга эга шифокор ҳисобланади. Руҳий бузилишларнинг органик, биологик, биохимик хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини, кечиб турларини ташхислаш, даволаш ва профилактик, реабилитация усулларини чуқур билади ва турли даражадаги руҳий беморларга даво тайинлайди. Психофармакотерапия, яъни дори воситаларини тайинлаш орқали беморларни соғлом ҳаётга қайтаришга ҳаракат қилади.

– Иш тажрибангиз давомида сизга кўпроқ қандай касалликлар билан оғриган беморлар мурожаат қилишини айта оласизми?

– Узимнинг 10 йиллик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда психиатр шифокорга невроз, жуда кенг тарқалган хавотирли-депрессив ҳолатлар, аффектив бузилишлар (эмоционал ҳолат, кайфият бузилишлари), хулқ-атвор бузилишлари, туғма ва орттирилган ақлий за-

ифлик, эпилепсия (руҳий ўзгаришлар кузатилган ҳолларда), шизофрения ва шунга ўхшаш касалликлар билан мурожаат қилишади.

– Келиб чиқиши номаълум бўлган шизофрения касаллиги бор беморларни тиббий билими етарли бўлмаган одам қандай билиши мумкин? Яъни, бу касаллик билан оғриган инсонни қандай белгилар орқали билиб олиш мумкин?

– Тажрибали психиатр шифокорлар ҳам беморда шизофрения касаллигига хос белгиларни аниқласа-да, ҳеч қачон ташхис қўйишга шояшмайдилар. Аслида бу касаллик у даражада кенг тарқалмаган бўлиб, бунга ўхшаш белгилар билан кечадиган касалликлар тури жуда кўп. Бу касаллик белгилари билан мурожаат қилган ҳолларда бемордан, унинг оила аъзоларидан имкон қадар тўлиқ касаллик тўғрисида маълумот (анамнез), клиник кузатув, керак бўлган барча кўшимча текширувлар, психолог текшируви натижалари асосида қўйилади. Ҳозирги вақтда замонавий инструментал (электроэнцефалография) текшируви асосида бу касалликнинг предиктор, яъни касалликка хос бўлган олдиндан аниқлаб берувчи белгилар орқали ҳам маълумот олиш мумкин. Шизофрения белгилари бошқа бир қатор руҳий касалликларга ҳам хосдир, лекин касаллик ортдан келиб чиқувчи ижтимоий муаммолар фақат шу касалликка хос бўлиб, ҳозирги вақтда долзарблигини афсуски сақлаб келмоқда. Сир эмаски бошқа йўналишдаги мутахассислар ҳам “даволаб” келмоқдалар. Бундай “тиббий ёрдамни” тўғрилаб бўлмайдиган асоратлари боис бизга мурожаат қилиш ҳоллари учраб туради. Юқоридаги маълумотни

ган усуллардан ҳисобланади. Асосан чегаравий психиатрияда, гиёҳвандликка қарши курашда кенг қўлланилади. Бу усул невроз, хавотирли, депрессив каби ҳолатларда қўлланилади. Гипнотерапия асосий дори воситага кўшимча усул бўлиб, беморга унинг даволувчи психиатри томонидан тавсия қилиниши мумкин. Бу усул психотерапевтдан катта маҳоратни, тажрибани талаб қилади.

– Психиатрияда даволашнинг қандай усуллари мавжуд?

– Психиатрияда ҳозирги вақтгача қўлланиб келинаётган даво усулларида бу психофармакотерапия (дори восита орқали), психотерапия, меҳнат терапияси ва ижтимоий реабилитация турлари ҳам бор.

– Соҳангизга оид касалликларга нималар киради. Уларнинг қай бири насл сурадию қай бирини батамом даволаш мумкин?

– Соҳага оид касалликлар турлари юқорида санаб ўтилди. Булардан чегаравий психиатрияга оид касалликлар яъни невротик ҳолатлар батамом тузалиши мумкин. Сурункали кечувчи руҳий бузилишлар батамом тузалмасда, бундай беморларга худди гастрит, гипертоник касаллиги, миокард инфаркти, қандли диабет каби касаллиги бор беморлар доимо шифокор назоратида бўлиб туриши ва буюрилган давога амал қилиши маслаҳат берилади. Беморларда руҳий касалликларга наслий мойиллик кузатилиши мумкин, яъни оила аъзоларида, яқин ёки узоқ қариндошида қайсидир руҳий касаллик кузатилаганини аниқлаш мумкин, лекин уларнинг насл суриши хали асосланмаган.

– Агар сизга айнан шу соҳада янгиликлар киритиш ёки тажрибалар ўтказиш учун имконият яратиб беришганда, нималарни амалга оширган бўлардингиз?

– Юртимизда охириги икки йил ичида психиатрия соҳасига катта эътибор қаратилиб, шу асосда ишлар олиб бориляпти, ижобий ўзгаришлар кўп. Имкониятлар кўлами кенгаймоқда, бундан биз психиатрлар, албатта, кенг фойдаланмоқчимиз. Ёрқин мисоллардан бири ўзим фаолият юритиб келаятган шаҳар руҳий клиник шифокораси янгитдан қад ростилагани, ходимлар ва беморлар учун ташхислаш, даволаш борасида кенг шароитлар яратилгани, Ўзбекистон психиатрлар ассоциацияси ташкил топганидир. Бундай ижобий ўзгаришлар, албатта, биздан янада фидокорона ёндашишни талаб қилади. Яқин келажақда режаларда фаолиятни илмий-амалий ёндашишга асосланган ҳолда олиб бориш киритилган. Яна бир нарсанинг ўзгаришини хоҳлар эдим, бу ҳам бўлса нафақат бизда, балки бошқа давлатларда ҳам муаммо бўлиб келаятган стигма, яъни аҳоли томонидан психиатрияга, руҳий ши-

ҳисобга олган ҳолда шизофрениани ташхислаш ва уни даволаш ишлари билан фақат психиатр шуғулланиши мақсадга мувофиқдир. Мақсадимиз – бундай касалликни имкон қадар эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш, даволаш ва реабилитация чора-тадбирлари орқали бошқа инсонлар қаторида беморни оилада, иш

Гипнотерапия асосий дори воситага кўшимча усул бўлиб, беморга унинг даволувчи психиатри томонидан тавсия қилиниши мумкин. Бу усул психотерапевтдан катта маҳоратни, тажрибани талаб қилади.

фаолиятда, жамиятда сақлаб қолишга эришишдир.

– Бугунги кунда авжига чиқиб бораётган гипнозчилар ҳақида қандай фикрдасиз... Гипнотерапия ҳақиқатан бор нarsами?

– Гипнотерапия психотерапиянинг бир йўналиши ҳисобланиб, ўтган асрдан бери психотерапевтлар томонидан фаол ўрганилиб, қўлланилиб, келинаёт-

фоҳонага нисбатан қандайдир кўрқув, ҳадик билан қараш, аҳоли орасида кенг тарқалган кўп ҳолларда асосиз фикрлар ва салбий муносабатдир. Шу боис келажақда аҳолининг тиббий савияси ошиб, ижобий томонга ўзгаришлар содир бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Лобар ҚАНДАҲОРОВА
суҳбатлашди.

SAN'AT DILLARNI BIRLASHTIRADI



Яна бир неча кундан сўн Самарқандда “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали бошланади.

1997 йилдан буён ҳар икки йилда анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур санъат байрами ўтган давр мобайнида дунё мекёсидаги йирик маданий тадбирга айланди. Унда ер юзининг барча қитъаларидан вакиллар қатнашиб, ўзларининг қадимий ва миллий мусиқа маданиятини намоён этмоқда. Фестиваль доирасида ўтказиладиган илмий-амалий конференциялар эса Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихи ва анъаналарини ўрганишга хизмат қилмоқда.

Бу йил ўн иккинчи бор ўтказиладиган фестивал ҳам ЮНЕСКО шафелигида ўтказилиши маълум қилинган.

Айни пайтда Самарқандда нуфузли санъат анжуманига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлигининг чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Унга кўра фестивал билан боғлиқ ҳар бир жараён эътиборга олиниб, 18 та



ишчи гуруҳи ташкил этилди. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тайёргарлик ишларини кенг кўлабда, белгиланган вақтда ва сифатли бажариш бўйича штаб фаолияти йўлга қўйилди.

– Ҳар бир ишчи гуруҳнинг вазифаси аниқ белгилаб берилган, – дейди фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича штаб раҳбари Ш.Йўлдошев. – Жумладан, меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш учун тегишли соҳалар вакилларида иборат гуруҳ, меҳмонхоналарга жойлаштириш бўйича алоҳида гуруҳ, гид-таржимонлар ажратиш, транспорт хизмати кўрсатиш, вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликларга саёҳатга олиб чиқиш, маданий тадбирлар ташкил этиш бўйича ва бошқа гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда фестивал ишти-



рокчилари ва меҳмонлар учун жойлар белгилаб олинган. Қайси ошхоналарда овқатлантириш бўйича ҳам аниқ режалар мавжуд. Фестиваль доирасида ўтказиладиган “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияга Самарқанд давлат университети бошчилигида ҳозирлик кўрилмоқда.

Тадбирларда сайёрамизнинг турли ҳудудларидан, бир неча тилларда сўзлашувчи меҳмонлар қатнашиши ҳисобга олиниб, Самарқанд давлат чет тиллар институтидан инглиз, рус, корейс, италян, испан, француз, немис, хитой, япон ва араб тиллари бўйича 200 нафар малакали ўқитувчи ҳамда талаба гид-таржимон сифатида танланди.

Анъанага кўра, фестивал иштирокчилари танловдаги чиқишларидан бошқа пайтда Самарқанд шаҳрида, шунингдек, Оқдара, Пайариқ, Пастдарғом, Жомбой ва Самарқанд туманларидаги истироҳат боғлари, мусиқа ва санъат мактаблари, аҳоли дам олиш масканларида концерт дастурларини намойиш этади. Бу маданий дастурлар учун ўндан ортиқ жой танланиб, ушбу масканларни ободонлаштириш, қўшимча кулайликлар яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Фестивалнинг бош саҳнаси – Регистон майдонида эса Ўзбекистон халқ артисти Б.Йўлдошев бошчилигида “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимининг репетицияси давом этмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ.



Tanlov

Йил давомида муайян ютуқларни қўлга киритган, янги иш ўринларини яратган, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркор аёллар ўртасида “Анор – 2019” кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танлов Бухоро вилояти ҳокимлиги, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

– Бу танлов хотин-қизларнинг

MUNOSIBLAR TAQDIRLANDI



ижтимоий фаоллигини кучайтириш, маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қулай бизнес муҳити яратиш, аёлларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган, – дейди “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари Дилбар Аҳмедова. – Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган мингдан зиёд ишбилармон хотин-қиз орасидан сараланган энг муносиб 25 нафар аёл маҳорат кўригининг вилоят босқичига йўлланма олди. Ҳакамлар

ҳайъати ғолибликка даъвогарларнинг тадбиркорлик соҳасида эришган ютуқлари, ижтимоий фаоллиги ифода этилган хужжатларини ўрганиб чиқди.

Ишлаб чиқариш йўналишида Бухоро шаҳридаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Файз қурилиш моллари” МЧЖ раҳбари Дилором Файзиёва, қишлоқ хўжалиги йўналишида Қорақўл туманидаги “Фарангиз” фермер хўжалиги раҳбари Манзура Элбоева, хизмат кўрсатиш йўналишида эса ички ва ташқи туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган Бухоро шаҳридаги “Ark Travel” МЧЖ раиси Инобат Каримова биринчи ўринга муносиб топилди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Улар энди танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Эркин ЁДГОРОВ.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000. Амр Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2208. Баҳоəsi келишилган нархда.

Босишга топшириш ваёти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7600



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5